

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МАТЯКУБОВ БАХТИЯР ШАМУРАТОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИКДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ
(ХОРАЗМ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Матякубов Бахтияр Шамуратович

Суғорма дехқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг
илмий-амалий асослари (Хоразм воҳаси мисолида)..... 3

Матякубов Бахтияр Шамуратович

Научно-практические основы эффективного использования водных
ресурсов в орошаемом земледелии (на примере Хорезмского оазиса)..... 29

Matyakubov Bakhtiyar Shamuratovich

Scientific and practical basis of efficient water resources use in irrigated
agriculture (on the example of Khorezm oasis)..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МАТЯКУБОВ БАХТИЯР ШАМУРАТОВИЧ

**СУҒОРМА ДЕХҚОНЧИЛИКДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ
(ХОРАЗМ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/Qx.104 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хамидов Мухаммадхон Хамидович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Исашов Анваржон қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Норкулов Усманкул қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
	Қурвантаев Раҳмонтой қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг «__» _____ 2019 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz, g.selek@agro.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37, e-mail: piim@agro.uz, g.selek@agro.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда ХХІ асрнинг глобал муаммоларидан бири сув ресурсларининг танқислиги бўлиб, сўнгги 60 йил ичида ичимлик суви истеъмоли ер шарида 8 мартага ошганлиги кузатилган. Ер куррасида сув манбалари ўта чекланган бўлиб, унинг захиралардан оқилона фойдаланишни тақоза этмоқда. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги мақсадларида йилига 2,8 минг км³ чучук сув ишлатилади ва бу кўрсаткич умумий чучук сув истеъмолининг 70 фоизини ташкил этади. Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссиянинг маълумотларига кўра, жаҳон бўйича суғориладиган майдонлар 299,488 млн. гектарни ташкил этади¹. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи ва бошоқли доннинг 60 фоизи суғориладиган ерлардан олинади.

Дунёда сув ресурсларини бугунги кундаги юқори меъёрлар билан сарфланиши, унинг глобал танқислигига олиб келмоқда. Янги сув манбаларини ўзлаштириш, сув хўжалиги тизимларини яхши ҳолатда ушлаб туриш каттадан-катта инвестицияларни талаб қилмоқда. Ҳар бир куб метр сувнинг нархи қимматлашиб бориб, ривожланаётган давлатларнинг сув таъминотида муаммолар келтириб чиқармоқда. Сувдан фойдаланиш модели сақланиб қолган ҳолда, аҳоли бошига тўғри келадиган сув истеъмолини инобатга олиб, сув ресурсларининг танқислиги бартараф этиш борасида салмоқли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Республикамизда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ва уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақада, жумладан, республикамизнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланган шароитда, асосий қишлоқ хўжалиги экинларини сув тежамкор суғориш технологияларини ва суғориш техникаси элементларини аниқлаш ва жорий қилиш долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури» тўғрисидаги ПҚ-

¹ http://www.cawater-info.net/int_org/icid/index.htm

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони.

3405-сонли қарори ва 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сонли «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялар агентлигининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган³.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Суғорма деҳқончиликда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тақсимотини экин талабидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш, экинларнинг суғориш тартиблари ва технологиялари бўйича илмий изланишларни дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO) (АҚШ), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Stockholm Technology University (Швеция), Agriculture Academy of Bulgaria (Болгария), International Water Management Institute (Шри-Ланка), Indian Agricultural Research Institute, Tamil Nadu Agricultural University (Ҳиндистон), А.Н.Костяков номидаги Бутунроссия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш бўйича дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сарфланадиган сувни ўз вақтида ва мақбул меъёрларда етказиб бериш технологиялари яратилган (Food and Agriculture Organization of the United Nations, Institute of Cotton Research); сув-озуқа-ҳаво-туз-иссиқлик тартиботини бир меъёрда ушлаб туриш мақсадида экинларни суғоришда илмий асосланган суғориш тартиблари ишлаб чиқилган (Australian Cotton Research Institute); қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежамкор суғориш технологиялари ишлаб чиқилган (Stockholm Technology University, Agriculture Academy of Bulgaria); экиндан юқори ва барқарор ҳосил олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги исботланган (International Water Management Institute); турли суғориш технологияларни қўллашнинг тупрокни сув-физик хоссалари, мелиоратив ҳолати ва унумдорлигига таъсири аниқланган (Indian Agricultural Research Institute, Tamil Nadu Agricultural University).

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғўзанинг мақбул суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш;

³ http://www.uzscience.uz/gntp_00.htm

ўсимликларнинг назарий сув истеъмолини аниқлашда эмпирик формулалар орқали ҳисоблашларни такомиллаштириш; тупроқнинг тури ва сизот сувлари сатҳи яқин жойлашуви ва уларнинг минерализациясини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиблари, усуллари, технологиялари ва суғориш техникаси элементларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озиқа тартибига, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва унинг сифатига таъсири бўйича республикамизда С.Н.Рижов, В.Е.Еременко, М.П.Меднис, Х.А.Ахмедов, С.А.Гильдиев, Н.Т. Лактаев, Ф.М.Саттаров, Н.Ф.Беспалов, Ф.М.Рахимбаев, Қ.М.Мирзажонов, Г.А.Безбородов, Б.Ф.Камбаров, Р.К.Икрамов, Ш.Н.Нурматов, М.Х.Хамидов, А.Э.Авлияқулов, Б.С.Мамбетназаров, А.Исашов, А.С.Шамсиев, Қ.Т.Исабаев ҳамда хорижда Blaine R. Hanson, Lawrence J. Schwankl, Allan Fulton, Beede R.H., Brown M.J., W.D.Kemper, Coolidge P.S., Goldhamer D.A., Guttman Joseph, Jeffrey T. Baker, Dennis C. Gitz, John E. Stout, Robert Joseph Lascano, Jing ZHANG, Kassam A.H., Molden D., Marx D., Hutter J., Mohan Reddy Junna, Stringham G.E., Walker W., Stringham J., Wallender W.W., Wu J.P. каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бугунги кунда республикамизда сув ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзгариши, ғўза ва кузги буғдой навбатлаб экилиши, сув танқислигининг ошиб бориши шароитларида ресурслардан самарали фойдаланишда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ва уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияларини қўллаш бўйича илмий–тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий тадқиқотлар режасининг II. «Суғориш сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш», 2.17. «Сув тежайдиган технологиялар самарадорлигини ҳар хил тупроқ шароитларда тадқиқ этиш» (2011–2014 йй.) мавзусидаги ҳамда «SRT2-AS1-Aral sea» халқаро гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм воҳасининг ўтлоқи-аллювиал, механик таркиби енгил, ўрта ва оғир қумоқ, сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган тупроқлари шароитида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг илмий асосланган суғориш тартиби ва уни амалга оширувчи тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба ўтказиладиган жойнинг тупроқ тури, механик таркиби, тузилиши, сув-физик хоссалари, мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини ўрганиш;

Хоразм воҳаси шароитида ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ҳамда умумий сув истеъмолини аниқлаш ва уни эмпирик формулалар орқали ҳисоблар билан таққослаш;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини экин майдонларида таъминловчи тежамкор суғориш технологияларини аниқлаш;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологияларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, туз режими, сизот сувларининг сатҳи ва минерализациясининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологияларининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) услубиятига мувофиқ қиёсий баҳолаш;

дала тажрибалари, эмпирик формулалар ва халқаро FAO услубиятига асосидаги кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион боғланишларини аниқлаш;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологияларининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал, турли механик таркибли шўрланган тупроқлари, сатҳи 1,0–2,0 метр ва минерализацияси 1–3 г/л бўлган сизот сувлари, ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» нави ва ғўзани суғориш тартиби, уни аниқлаш услублари ва суғориш технологиялари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб, ғўзани суғориш тартиби ва технологиялари, тупроқнинг сув-физик хоссалари, туз режими, сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг ўзгариши, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг технологик кўрсаткичлари ҳамда ғўзани сув истеъмолини аниқлашнинг турли услублари ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларни ўтказишда тупроқ таҳлиллари, ғўза бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в хлопковых районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» услубий қўлланмалари ҳамда БМТнинг FAO услубиятидан фойдаланилган. Олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуги ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science), Statistica 7.0 компьютер дастури ёрдамида математик–статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўза ва кузги буғдой навбатлаб экилиши тизимида илк бор Хоразм воҳасининг ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ тупроқлари ҳамда сизот сувлари сатҳи 1–2 метрда жойлашган, минерализацияси 1–3 г/л бўлган шароитида ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» навини мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологиялари ишлаб чиқилган;

ғўзанинг мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияларининг дарё сувини тежаш ва сув танқислиги салбий оқибатларини камайитиришдаги самарадорлиги аниқланган;

ғўзанинг мақбул суғориш тартиби ва тажриба даласининг умумий сув истеъмоли халқаро FAO услубиятлари ҳамда умумқабул қилинган эмпирик боғлиқликлар бўйича ҳисобланган ҳамда уларнинг ўзаро корреляция коэффицентлари аниқланган;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва сув тежамкор суғориш технологияларининг ўрта толали «Хоразм-127» ғўза навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Хоразм воҳасининг ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» навини мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологиялари ишлаб чиқилган;

ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» навини етиштиришда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлганда 39,3–40,2 ц/га ҳосил олиниб, бу назоратга нисбатан 8,8–9,8 ц/га юқори бўлган;

ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, турли механик таркиб(енгил, ўрта ва оғир кумоқ)ли тупроқларда, энг кам мавсумий туз тўпланиш суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлганда кузатилиб, мавсумий туз тўпланиш коэффиценти хлор-иони бўйича 1,26–1,48 ва куруқ қолдиқ бўйича 1,23–1,34 бўлганлиги аниқланган;

механик таркиби турлича бўлган тупроқларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлганда эгатларни қарама-қарши томонидан суғориш натижасида ғўзанинг «Хоразм-127» навидан 41,9–42,7 ц/га, яъни назоратга нисбатан 11,1–11,4 ц/га юқори ҳосил олинган;

ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, турли механик таркибли тупроқларда, ғўзани юқоридаги суғориш тартибида, эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилганда ғўзадан 40,3–41,3 ц/га сифатли ҳосил олиниб, бу назоратга нисбатан 9,3–10,0 ц/га. га юқори бўлган;

«Хоразм-127» ғўза навининг мақбул суғориш тартибида ва технологиясида суғориш мавсумида ишлаб чиқаришга нисбатан енгил механик таркибли тупроқларда 1291–1445 м³/га, ўрта механик таркибли тупроқларда 1866–1925 м³/га ва оғир механик таркибли тупроқларда 1992–2109 м³/га дарё суви иқтисод қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари халқаро ва Республикада қабул қилинган услубларда бажарилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, тадқиқот натижаларнинг

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш шаритида фермер хўжаликларида кенг майдонда жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ўзгариши ва аҳоли сонининг жадал ўсиб бориши шароитида таборо ошиб бораётган сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, дарё сувларини иқтисод қилишга янгидан илмий ёндашиб, Хоразм воҳасининг қадимдан суғорилиб келинаётган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини турли услубларда аниқлаш ва уни амалга оширишда тежамкор суғориш технологияларини қўллаш, уларнинг ғўза сув истеъмолига, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хоразм воҳасининг ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ тупроқлари ҳамда сатҳи 1–2 метрда жойлашган, минерализацияси 1–3 г/л бўлган сизот сувлари шароитида ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» навини мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологиялари ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг дарё сувларини иқтисод қилишлари, сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришлари, 1 м³ сувнинг самарадорлигини оширишлари, суғориладиган ерлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмининг кўпайиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириши ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қўшиладиган ҳисса билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғорма дехқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ғўзанинг мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари учун «Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ғўзанинг мақбул суғориш тартиби» ҳамда «Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ғўзани тежамкор суғориш технологиялари» бўйича тавсияномалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 03/25-3067-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома сув хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотларнинг инженер-техник ходимлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг мутахассислари учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Хоразм воҳасининг ўтлоқи-аллювиал, шўрланишга мойил, механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумоқ тупроқлари шароитида ишлаб чиқилган ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» навини мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи эгатни қарама-қарши томонидан суғориш технологияси 2016–2018 йилларда Хоразм вилоятининг Шовот туманида 238 гектар, Гурлан

туманида 89 гектар ва Урганч туманида 259 гектар, Янгиариқ туманида 173 гектар, жами 759 гектар пахта майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 03/25-3067-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида дарё сувлари 15–20 фоизга тежалган, сув танқислигининг салбий оқибатлари камайтирилган ва ҳар гектар майдондан 6,3–7,9 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган;

ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» нави учун ишлаб чиқилган мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи эгатни қарама-қарши томонидан суғориш технологияси Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Бўз қаъла» сув истеъмолчилари уюшмасида 388 гектар ва «Оёқ Дўрмон» сув истеъмолчилари уюшмасида 117 гектар, жами 505 гектар пахта майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 03/25-3067-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари ўртача 18 фоизга тежалган ва ҳар гектар майдондан 5,6–7,9 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

ғўзанинг ўрта толали «Хоразм-127» нави учун ишлаб чиқилган мақбул суғориш тартиби, уни амалга оширувчи эгатни қарама-қарши томонидан суғориш технологияси 2017–2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Бий бозор» сув истеъмолчилари уюшмасида 76 гектар майдонга ва «Жуманиёзов К.» сув истеъмолчилари уюшмасида 120 гектар майдонга, жами 196 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 03/25-3067 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида суғориш сувлари ўртача 16 фоизга тежалган ва гектарига 3,5–4,2 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ТИҚХММИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси ҳамда CRP-CGIAR Research Program (Тадқиқот дастури–халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича маслаҳат гуруҳи дастури) томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда 11 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 7 та республика, 10 та хорижий журналларда, 7 та республика, 4 та халқаро анжуманларда ҳамда 1 та монография ва 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, тўққизта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан олинган хулосалар таҳлил қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, ҳозирги кунда сувдан фойдаланиш, суғориш тартиби ва уни амалга оширувчи сув тежамкор технологиялари бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Хоразм воҳаси шароитида турли тупроқ иқлим шароитларда ғўзадан юқори ҳосил олишда суғориш тартиби ва сув тежовчи суғориш технологияларни қўллаш ҳамда шу орқали ғўзадан юқори ва сифатли пахта хом-ашёси олиш устувор эканлиги, ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ҳамда уни экин даласида амалга оширувчи тежамкор суғориш технологиялари ва суғориш техникаси элементларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар етарли эмаслиги аниқланган.

Хоразм воҳасида ғўзанинг суғориш тартибини халқаро FAO услубиёти бўйича аниқлаш йўналишидаги илмий тадқиқот ишлари бажарилмаганлиги, ғўзанинг суғориш тартибини, экин даласининг умумий сув истеъмолини ўрганишда турли услубиятларнинг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада бажарилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Хоразм воҳасида сувдан фойдаланиш тизимининг ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ғўзадан юқори ҳосил олишда унинг суғориш тартибини аниқлаш услубларини таҳлил қилиш ва ўзаро мутаносиблигини аниқлаш, илмий асосланган суғориш тартиблари ва уларни амалга оширувчи суғориш технологияларини аниқлаш долзарб ҳисобланиши келтирилган.

«**Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий ва хўжалик шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятининг табиий ва хўжалик шароитлари, географик жойлашган ўрни ва чегаралари, иқлим шароитлари, литологик ва геоморфологик, геологик ва гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив шароитлари тавсифи келтирилган бўлиб, жами суғориладиган 265,4 минг гектар ерларнинг 77,6 фоизи, яъни 206,0 минг гектари ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, механик таркиби бўйича тупроқларнинг 31,1 фоизини енгил кумоқ тупроқлар, 51,0 фоизини ўрта кумоқ тупроқлар ва 17,9 фоизини оғир кумоқ тупроқлар ташкил қилади. Хоразм вилоятида сизот сувларининг сатҳи 1,0–2,0 м бўлган майдон 58,5% (155,3 минг га), 2,0–3,0 м бўлган майдон 12,6% (33,76 минг га)ни ташкил этади. Сизот сувларининг минерализацияси асосан 1–3 г/л бўлиб, 75,3% (199,8 минг га) майдонда тарқалгандир. Тажриба натижалари

вилоятдаги суғориладиган ерларга репрезентативлиги 56,7 фоизни ташкил этиши ҳисобланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказиш объектлари, тизимлари, услублари ва агротехник тадбирлар» деб номланган учинчи бобида тажрибалар ўтказиш услублари белгилаб олинган. Тажириба далаларини танлаб олишда, вилоятда кенг тарқалган тупроқ-мелиоратив ва гидрогеологик шароитларга мос келиши – репрезентативлиги таъминланган. Ёўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини аниқлаш бўйича тажриба далаларидаги барча кузатувлар, изланишлар ва ҳисоблашлар ПСУЕАИТИда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган услубиятлар, ҳамда БМТнинг FAO услуби ва умумқабул қилинган эмпирик боғлиқликлар асосида амалга оширилган. Дала тажрибаларини олиб бориш бўйича тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ёўзанинг суғориш тартибини аниқлаш бўйича дала тажриба тизими (2011–2013 йй.)

Вариантлар	Суғориш олди тупроқ намлиги (ЧДНСга нисбатан, %)	Суғориш меъёрлари, м ³ /га
1	Ишлаб чиқариш назорати	Фактик ўлчовлар
2	70-70-60	50-100-70 см қатламдаги намлик дефицити бўйича
3	70-80-60	50-100-70 см қатламдаги намлик дефицити бўйича
4	70-80-60	50-100-70 см қатламдаги намлик дефицити 30% га оширилган

Дала тажрибалари Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги «Бобо Омониёз» фермер хўжалигининг енгил (1-тажриба) ва ўрта (2-тажриба) ҳамда «Абдулла» фермер хўжалигининг оғир (3-тажриба) механик таркибли ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилган. Тажириба тизимига асосан, дала тажриба ишлари 4 та вариантда ва 4 та қайтариқларда амалга оширилган. Ёўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ва уни амалга оширувчи сув тежамкор эгатлаб суғориш технологияларини аниқлаш бўйича тажриба далаларидаги барча кузатувлар, изланишлар ва ҳисоблашлар ПСУЕАИТИ, ТИҚХММИ ва ИСМИТИда ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган услубиятлар асосида олиб борилган. Тажириба далаларида етиштирилган ўрта толали «Хоразм-127» ёўза навининг биологик хусусиятлари ва хулосалар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Тажрибалар натижалари ҳамда уларнинг таҳлили» келтирилган. Тажириба далалари тупроғининг механик таркиби Н.А.Качинский тавсифи бўйича, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва агрокимёвий кўрсаткичлари, жумладан, лаборатория шароитида чиринди


микдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчан калий эса П.В.Протасов усули билан таҳлил қилинган.

Биринчи тажрибада тупроқнинг ҳажмий оғирлиги вегетация бошида ўртача уч йилда 0–50 см қатламда 1,30 г/см³, 0–70 см қатламда 1,32 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,32 г/см³ ни ташкил этди. Ғўзани парваришлаш мақсадида ўтказилган агротехник тадбирлар: далани экишга тайёрлаш, экиш, культивация қилиш, суғориш учун эгат олиш, вегетация давридаги суғоришлар, ўғит бериш ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш ишлари таъсирида тажриба даласида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги барча вариантларда ошган. 0–100 см қатламда тупроқнинг энг кўп зичлашиши назорат вариантыда – 0,04 г/см³, энг кам зичлашиш 3 ва 4-вариантларда – 0,02 г/см³ бўлган.

Иккинчи тажрибада тупроқнинг ҳажмий оғирлиги вегетация бошида ўртача уч йилда 0–50 см қатламда 1,37 г/см³, 0–70 см қатламда 1,38 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,35 г/см³ ни ташкил этган. Ғўзани вегетация давомида парвариш қилишда ўтказилган агротехник тадбирлар натижасида тажриба даласи тупроғининг ҳажмий оғирлиги барча вариантларда ошган. 0–100 см қатламда тупроқнинг энг кўп зичлашиши назорат вариантыда – 0,04 г/см³, энг кам зичлашиш 3-вариантда – 0,02 г/см³ бўлган.


Учинчи тажрибада тупроқнинг ҳажмий оғирлиги вегетация бошида ўртача уч йилда 0–50 см қатламда 1,43 г/см³, 0–70 см қатламда 1,43 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,41 г/см³ ни ташкил этган. Ғўзани вегетация давомида парвариш қилишда бажарилган агротехник тадбирлар натижасида тажриба даласи тупроғининг ҳажмий оғирлиги барча вариантларда ошган. 0–100 см қатламда тупроқнинг энг кўп зичлашиши назорат вариантыда - 0,03 г/см³, энг кам зичлашиш 3-вариантда - 0,01 г/см³ бўлганлиги кузатилган.

Тажриба далалари бўйича 2011 йилнинг вегетация даври бошида тупроқнинг чегаравий дала нам сиғими (ЧДНС) аниқланган. ЧДНС 0–50 см. лик қатламда - 19,36% (1-тажриба), - 20,64% (2-тажриба) ва 21,69% (3-тажриба); 0–70 см.лик қатламда - 19,41% (1-тажриба) - 20,17% (1-тажриба) ва 21,84% (3-тажриба); 0–100 см. лик қатламда мос равишда - 19,01%; 20,32% ва 22,07 фоизга тенг бўлган (1-расм).



1-расм. Тажриба далалари тупроғининг дала нам сиғими

Вегетация даври бошида 6 соатлик кузатув натижаларига кўра тажриба даласининг сув ўтказувчанлиги ҳар гектарига 791 м^3 (3-тажриба, 2011 й.) дан 1616 м^3 (1-тажриба, 2011 й.)гача ёки $0,219 \text{ мм/мин.}$ дан $0,449 \text{ мм/мин.}$ гача бўлган (2-расм). Н.А. Качинский тавсияси бўйича суғориш нуқтаи назардан тажриба даласидаги тупроқларнинг дастлабки сув ўтказувчанлиги қониқарли ва С.В.Астановга кўра, ўртадан кучсизгача деб баҳолаш мумкин.



2-расм. Тажриба далалари тупроғининг сув ўтказувчанлиги

Вегетация даври охирида барча тажриба далаларида сув ўтказувчанлик 6 соат давомидаги кузатув натижасига кўра гектарига 68 м^3 дан 122 м^3 гача камайган. Тажрибаларнинг барча вариантларида тупроқ қатламли бўлганлиги сабабли сув ўтказувчанлик нисбатан паст бўлганлиги кузатилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига асосан тупроқнинг ҳақиқий намлик фарқи ЧДНСга нисбатан $\pm 2,0$ фоиз бўлган. Ишлаб чиқариш назорати (1-вариант)да тажриба ўтказиш йиллари бўйича тупроқнинг ҳақиқий намлиги ғўза даласида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан $53,1\text{--}67,3$ фоизни ташкил қилган.

1-тажриба далада олиб борилган кузатув натижаларига кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан $70\text{--}80\text{--}60\%$ бўлган 3-вариантда ғўза 1-4-1 суғориш тизимида олти марта $437\text{--}825 \text{ м}^3/\text{га}$ суғориш меъёрлари ва $3657 \text{ м}^3/\text{га}$ мавсумий суғориш меъёри билан суғорилган. Суғоришлар орасидаги муддат ғўзани ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича $15\text{--}24$ кунни ташкил қилган.

2-тажриба даласида олиб борилган кузатувларда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан $70\text{--}80\text{--}60\%$ бўлган 3-вариантда ғўзани ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича 1-4-0 суғориш тизимида беш марта $494\text{--}664 \text{ м}^3/\text{га}$ суғориш меъёрлари ва $3115 \text{ м}^3/\text{га}$ мавсумий суғориш меъёри билан суғорилган. Суғоришлар орасидаги муддат $20\text{--}23$ кунни ташкил қилган.

3-тажриба даласида олиб борилган кузатувларда, суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан $70\text{--}80\text{--}60$ фоизда ушлаб туриш учун ғўзани ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича 1-3-0 суғориш тизимида тўрт марта $541\text{--}753 \text{ м}^3/\text{га}$ суғориш меъёрлари ва $2779 \text{ м}^3/\text{га}$ мавсумий суғориш меъёри билан суғорилган. Суғоришлар орасидаги муддат $26\text{--}29$ кунни ташкил қилган.

Тажриба йиллари бўйича олинган маълумотларнинг таҳлилига қараганда, фенологик кузатувлар бўйича (август ойи) тажриба далаларининг ишлаб чиқариш назорати бўйича ғўзанинг асосий пояси узунлиги 64,0–78,9 см, 11,8–12,4 дона ҳосил шохи, 1,9–2,1 тугунча, 1,6–1,8 дона кўсак, сентябрь ойидаги кузатувларда кўсаклар сони 9,1–9,3 дона бўлган. Ўртача тажриба йилларининг 3-вариантида асосий поя узунлиги 72,8–81,3 см, ҳосил шохи 12,4–13,0 дона, очилган гул (тугунча) 2,0–2,1 дона, кўсак 3,2–3,6 дона, сентябрь ойида жами кўсаклар сони 10,8–10,9 дона бўлган. Бундай боғлиқлик бошқа тажрибаларда ҳам кузатилган.

Биринчи тажриба дала, ишлаб чиқариш назоратида сентябрь ойида ғўза поясининг узунлиги 72 см бўлган бўлса, жами кўсаклар сони 9,1 донани, шундан очилганлари 1,3 донани ташкил қилган. 2-вариантда, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизда ушлаб турилганда, ғўза поясининг узунлиги 74 см бўлган. Жами кўсаклар сони 9,4 дона, шундан очилганлари 2,4 донани ташкил қилган. Ишлаб чиқариш назоратига нисбатан жами кўсаклар сони 0,3 донага, очилгани эса, 1,1 донага кўп бўлган.

3-вариант, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 фоизда ушлаб турилганда, ғўза поясининг узунлиги 75,8 см бўлган. Жами кўсаклар сони 10,9 дона, шундан очилганлари 3,1 донани ташкил қилган. Ишлаб чиқариш назоратига нисбатан жами кўсаклар сони ва очилгани 1,8 донага кўп бўлган.

4-вариант, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% (суғориш меъёри 30 фоизга оширилган) бўлганда ғўза поясининг узунлиги 74,3 см бўлган. Жами кўсаклар сони 9,8 дона, шундан очилганлари 2,2 донани ташкил қилган. Бошқа тажриба далаларида ҳам шундай қонуниятлар кузатилган. Тажриба вариантларида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига сувнинг етишмаслиги ёки ортқча бўлиши салбий таъсир кўрсатган.

Ќўзадан энг паст ҳосилдорлик ишлаб чиқариш назорати (1-вариант)да кузатилган бўлиб, бунда 4777–5099 м³/га сув берилган ва ўртача тадқиқот йиллари бўйича 30,4–30,8 ц/га ҳосил олинган (1-тажриба).

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% (2-вариант) бўлганда, барча тадқиқот натижалари бўйича ўртача олинган ҳосилдорлик 31,1–33,1 ц/га. га, мавсумий суғориш меъёри 3705–4319 м³/га. га тенг бўлган.

Тадқиқот йиллари бўйича ғўзадан энг юқори ҳосилдорлик 3-вариантда, яъни тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 фоизда ушлаб турилганда олинган. Юқори ҳосил олиш учун мавсум давомида 2766–3676 м³/га миқдорида сув берилиб, 39,3–40,2 ц/га пахта ҳосили олинган.

4-вариантда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% (суғориш меъёри 30 фоизга оширилган) бўлганда, тажриба далалари бўйича ўртача ҳосилдорлик 35,5–37,6 ц/га бўлган. Мавсумий суғориш меъёри 3901–4427 м³/га. га тенг бўлган.

Енгил механик таркибли тупроқлар (1-тажриба дала)да назорат вариантыда пахта толаси сифат кўрсаткичлари, жумладан нисбий узилиш кучи 25,6–25,9 гк/текс, 1000 дона уруғ оғирлиги 119,7–120,8 грамм, толанинг узунлиги 33,9–34,3 мм. ни ташкил этган. 3-вариантда нисбий узилиш кучи

26,0–26,1 гк/текс, 1000 дона уруғ оғирлиги 120,0–122,0 грамм, толанинг узунлиги 35,5 мм бўлиб, бу кўрсаткичлар бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлган. Бошқа тажриба далаларида ҳам шундай қонуниятлар кузатилган.

Вўза даласида ўсиш фазасида сизот сувлари сатҳининг ўзгариши вегетация даври бошида 158–164 см, вегетация даври охирига келиб 139–160 см. ни ташкил қилган. Суғориш ишларини амалга ошириш натижасида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилиб, бу асосан ён атрофдаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинларининг юқори меъёрлар билан суғорилиши ва суғориш тармоқларидан фильтрация сувлари билан боғлиқ бўлган. Тажриба далаларида мақбул суғориш тартиби таъминланган 3-вариантда вегетация даврида сизот сувлар сатҳининг йиллар бўйича ўзгариши 139–175 см (1-тажриба), 145–173 см (2-тажриба) ва 140–172 см (3-тажриба) бўлган. Вегетация даврида суғориш меъёри юқори миқдорда, яъни 1000–1300 м³/га берилган 1-вариантда сизот сувлари сатҳи суғоришлардан сўнг 10–13 см. кўтарилган. Ҳисобий қатламнинг намлик дефицити бўйича суғориш меъёри берилган вариантларда сизот сувлари сатҳи деярли ўзгармаган. Намлик дефицитини 30 фоизга оширилган суғориш меъёри билан суғорилган 4-вариантда сизот сувлари сатҳи 2–4 см. га кўтарилган.

Тажриба далаларида сизот сувларининг минерализацияси вегетация даври бошида асосан 2,0–2,5 г/л бўлган. Вегетация охирига бориб бу кўрсаткичлар кам ўзгарган, катта миқдорда суғориш меъёри билан суғорилган 1-вариантда 2,7–3,0 г/л, ҳисобий қатламнинг намлик дефицити бўйича суғорилган вариантларда сизот сувларининг минерализация даражаси 2,3–2,5 г/л бўлиб, сизот сувларига суғориш сувлари билан бирга, тупроқдаги мавжуд бўлган сувда эрувчан тузлар ҳам келиб қўшилиши кузатилган. Умуман олганда тажриба далаларида, вегетация бошида сизот сувлари В.А.Приклонский классификацияси бўйича кучсиз минераллашган сувлар тоифасига мансуб бўлиб, вегетация охирига бориб, унинг концентрацияси ошишига қарамай кучсиз минераллашган даражаси доирасида қолган.

1-вариантининг ҳисобий қатлами (0–100 см)да вегетация бошида тупроқ оғирлигига нисбатан хлор-иони миқдори 0,009–0,012 фоизни ва вегетация охирига бориб 0,013–0,018 фоизни ташкил қилган. Шу қатламда вегетация бошида қуруқ қолдиқ 0,274–0,356 фоизни ва вегетация охирида 0,356–0,482 фоизни ташкил қилган. Мавсумий туз тўпланиш коэффиценти хлор-иони бўйича 1,46–1,52 ни ва қуруқ қолдиқ бўйича 1,28–1,41 ни ташкил қилган. 3-вариант, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 фоизда суғорилганда, тупроқнинг ҳисобий қатламида вегетация бошида тупроқ оғирлигига нисбатан хлор-иони миқдори 0,009–0,012 фоизни ва вегетация охирига бориб 0,0112–0,018 фоизни, қуруқ қолдиқ 0,274–0,356 фоизни ва 0,348–0,475 фоизни ташкил қилган. Мавсумий туз тўпланиш коэффиценти хлор-иони бўйича 1,36–1,48 ни ва қуруқ қолдиқ бўйича 1,22–1,38 ни ташкил қилган. Қолган тажриба ва вариантларда ҳам шундай боғлиқликлар кузатилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 фоизда ушлаб туриб, суғоришлар натижасида тупроқда мақбул мелиоратив режим

таъминланиб, вегетация охирида туз йиғилишини нисбатан кам бўлишига сабаб бўлган.

Диссертациянинг «**Ѓўзанинг суғориш тартибини халқаро FAO услубида аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида БМТнинг Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган CROPWAT ва AquaCrop дастурлари ёрдамида ғўзанинг суғориш тартиби барча тажриба далалари бўйича аниқланган. Ушбу дастурларга биноан тупроқнинг фаол қатламидаги сув баланси қуйидаги боғлиқлик орқали ҳисобланган:

$$W_{r,t+1} = W_{r,t} + (P - RO) + I + CR - E - T_r - DP$$

бу ерда, P - ёғин миқдори;

RO - ёғин миқдорининг ер устида оқиб кетиши натижасида йўқотилиши;

CR - грунт сувларининг капилляр кўтарилиши;

E - тупроқдан бўладиган буғланиш;

T_r - ўсимлик транспирацияси;

DP - чуқур филтрация;

$W_{r,t}$ - фаол қатламдаги сувнинг миқдори.

Дастурда эвапотранспирация Пенман-Монтейт усулида аниқланган:

$$E = E_0 \cdot K$$

бу ерда, E –буғланувчанлик, мм;

K –экин турига боғлиқ коэффициент, $K = 0,6–0,8$;

$$E_0 = \frac{H \cdot \Delta + \gamma \cdot E_y}{\Delta + \gamma}$$

бу ерда, H –тупроқ ўзлаштирадиган энергия миқдори;


Δ –буғнинг максимал босими;

γ - доимий қиймат, $\gamma = 0,48–0,50$;

E_y - ҳавони кондициялаш (кондиционирование) имконияти.


1-тажриба (енгил қумоқ тупроқ) даласи бўйича суғориш тартиби кўрсаткичлари 3-расмда келтирилган.

FAO ва ПСУЕАИТИ услубияти бўйича дала тажрибаларимизда аниқланган суғориш меъёрларини таққослаш натижаларига кўра, суғоришлар сони FAO услубияти қўлланилганда 3–5 тага кўплиги, суғориш меъёрларининг кичик миқдорда эканлиги (350–450 м³/га), улар ер устидан суғориш усулини қўллашда қийинчилик туғдириши, бу меъёрларни асосан сувтежамкор томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа технологияларда қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган. CROPWAT дастуридан фойдаланишда аниқлик даражаси 9–18 фоизни ташкил қилган. AquaCrop дастуридан фойдаланишда эса аниқлик даражаси 5–8 фоиз эканлиги аниқланган. Бу дастурларнинг аниқлик даражаси назарий томондан фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.



3-расм. FAO услубиёти бўйича ғўзанинг суғориш тартиби (1-тажриба).


Диссертациянинг «Тажриба далаларининг сув мувозанати» деб номланган олтинчи бобида, дала тажрибалари асосида ғўзанинг умумий сув истеъмоли аниқланган. Ғўзанинг умумий сув истеъмоли ўртача 2011–2013 йилларда 5940–9355 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 2779–5034 м³/га ёки 47–54%, ер ости сувидан фойдаланиш 1445–2619 м³/га ёки 24–28%, тупроқдаги намликдан фойдаланиш 909–1493 м³/га ёки 12,6–16,5%, ёғингарчилик миқдори ўртача 491 м³/га ёки 5,3–8,3% бўлган (4-расм).



4-расм. Турли услубларда аниқланган ғўзанинг сув истеъмоли.

Тажриба далалар ва вариантлар бўйича қилинган таҳлилга кўра барча тажрибаларда, энг яхши 3-вариант, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 фоиз бўлганда кузатилган. Шунга асосан 1 центнер пахта ҳосилини олиш учун 70,8 (3-тажриба) – 91,0 (1-тажриба) м³ ҳисобида сув сарфланган бўлса, ишлаб чиқариш назорати (1-вариант)да бу кўрсаткич 159,1 (3-тажриба) – 164,7 (1-тажриба) м³ бўлган ва 3-вариантга нисбатан 73,7–88,3 м³ сув кўп сарфланган (5-расм). Ғўзанинг сув истеъмолини ва суғориш меъёрлари эмпирик боғлиқликлар асосида назарий формулалар ёрдамида ҳам аниқланган.

Тажриба йўли ва эмпирик боғлиқликлар асосида аниқланган кўрсаткичлар таққосланиб, корреляция коэффиценти аниқланди.



5-расм. Турли услубларда аниқланган ғўзанинг мавсумий суғориш меъёрлари.

Вўзанинг мавсумий суғориш меъёрини ҳисоблашда корреляция коэффиценти FAO усули ва тажриба натижалари бўйича 0,71–0,80 бўлган. Сув истеъмоли ҳисобида корреляция коэффиценти: FAO усули ва тажриба натижалари бўйича 0,47–0,60; Г.К.Льгов формуласи ва дала тажрибалари бўйича 0,76–0,94 ни ташкил қилган. Бундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосани қилиш мумкин: мавсумий суғориш меъёрини ҳисоблашда FAO услубидан фойдаланиш, сув истеъмоли ҳисоблашда Г.К.Льгов томондан тақдим этилган эмпирик формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Вўзани суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган еттинчи бобида суғориш тартибини илмий асослаш бўйича дала тажрибалари олиб борилган вариантлар бўйича иқтисодий самарадорлик келтирилган. 1-тажриба далада ғўзани етиштиришда энг яхши кўрсаткич, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлганда кузатилган. Мазкур вариантда шартли соф фойда 758–1019 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 35,0–35,1 фоизни ташкил қилган. 2-тажриба даласининг 3-вариантида шартли соф фойда 765–1041 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 36,6–37,0 фоизни ташкил қилган. 3-тажриба даласининг мазкур вариантыда шартли соф фойда 724–997 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 35,1–37,0 фоизни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш вариантыга нисбатан ўртача 881,5 минг сўм/га қўшимча даромад олинганлиги ва рентабеллик даражаси 13,6 фоизга ошганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Вўзанинг илмий асосланган суғориш технологиясини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш объектлари, тизими, услублари ва агротехник тадбирлар тавсифи» деб номланган саккизинчи бобида тажрибалар ўтказиш услублари, тажриба олиб бориладиган объектлар, суғориш технологиясини ўрганиш бўйича тажриба тизими, кузатиш, ўлчов ва таҳлиллар олиб бориш услублари келтирилган.

Вўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ғўза экилган майдонларда

қўллаш учун сув тежамкор эгатлаб суғориш технологияларини аниқлаш бўйича 2013–2014 йилларда дала тажрибалари Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги “Бобо Омониёз” фермер хўжалигининг енгил қумоқ (4-тажриба) ва ўрта қумоқ (5-тажриба) ҳамда “Абдулла” фермер хўжалигининг оғир қумоқ (6-тажриба) механик таркибли ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида қуйидаги тажриба тизимида олиб борилган (2-жадвал).

2-жадвал

Суғориш технологияларини ўрганиш бўйича тажриба тизими

Вариант-лар	Ўзани эгатлаб суғориш технологиялари	Суғориш олди тупроқ намлиги (ЧДНСга нисбатан, %)
1	Ишлаб чиқариш назорати	70-80-60
2	Эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғориш	
3	Эгатни қарама-қарши томонидан суғориш	
4	Эгат оралатиб суғориш	

Суғориш технологияларида суғориш техникаси элементлари тупроқ шароити ва суғориладиган ерларнинг нишаблигига боғлиқ равишда В.Е.Еременко тавсиясига биноан қабул қилинди. Эгатнинг узунлиги: енгил механик таркибли тупроқларда 80 м, ўрта механик таркибли тупроқларда 100 м ва оғир механик таркибли тупроқларда 120 м; эгатнинг сув сарфи шунга мос равишда 0,60 л/с, 0,40 л/с, 0,20 л/с (2-вариантда эгатга берилган сув сарфи, эгат охирига етгандан сўнг 2 марта камайтирилади), эгатлар орасидаги масофа: 0,6, 0,9, 0,9 м. қабул қилинган. Тажриба дала майдонининг нишаблиги $i=0,00018-0,00020$ ни ташкил этган.

4-тажриба даласида вегетация даври бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0–50 см қатламда $1,29 \text{ г/см}^3$, 0–70 см қатламда $1,31 \text{ г/см}^3$ ва 0–100 см қатламда $1,30 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этган. Суғориш технологияларини ўзани парваришlashда қўллаш орқали юқори ҳосил олишга эришиш учун олиб борилган агротехник тадбирлар натижасида тажриба даласи тупроғининг ҳажмий оғирлиги барча вариантларда ошган. 0–100 см қатламда энг катта тупроқнинг зичлашиши назорат вариантыда – $0,05 \text{ г/см}^3$; энг кичик зичлашиш эса, 3-вариантда – $0,02 \text{ г/см}^3$ кузатилган.

5-тажриба даласида вегетация даври бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0–50 см қатламда $1,35 \text{ г/см}^3$, 0–70 см қатламда $1,37 \text{ г/см}^3$ ва 0–100 см қатламда $1,35 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш назорат варианты (1- вариант)да тупроқнинг зичлашиши (0–100 см қатламда) – $0,04 \text{ г/см}^3$, энг кичик зичлашиш 3-вариантда – $0,02 \text{ г/см}^3$ бўлган.

6-тажриба даласида вегетация даври бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0–50 см қатламда $1,43 \text{ г/см}^3$, 0–70 см қатламда $1,42 \text{ г/см}^3$ ва 0–100 см қатламда $1,39 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этган. 0–100 см қатламда энг катта тупроқнинг зичлашиши 1-вариантда – $0,03 \text{ г/см}^3$, энг кичик зичлашиш 3-вариантда – $0,01 \text{ г/см}^3$ бўлган.

Тажриба даласи тупроғининг чегаравий дала нам сифими, вегетация даври бошида (2013 й.) 0–50 см қатламда тупроқнинг қуруқ массасига нисбатан

19,25% (4-тажриба), 20,06% (5-тажриба) ва 21,55% (6-тажриба); 0–70 см қатламда мос равишда: 19,34%; 20,26% ва 21,83%; 0–100 см қатламда: 19,35%; 20,43% ва 22,17 фоизни ташкил этган.

4-тажриба тажриба дала бўйича ишлаб чиқариш назоратида ғўзани ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича 1-2-1 суғориш тизимида тўрт марта суғорилган. Суғориш меъёрлари ғўзанинг ўсиш фазалари бўйича 1175–1241 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 4898 м³/га га тенг бўлган. Суғоришлар орасидаги муддат 26–30 кунни ташкил қилган. Ғўзадан олинган ҳосилдорлик 30,7 ц/га бўлган.

Ғўза эгатни ўзгарувчан сув сарфи билан суғорилган 2-вариантда, ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича 1-4-1 суғориш тизимида олти марта суғорилган. Суғориш меъёрлари ғўзанинг ўсиш фазалари бўйича 426–806 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 3611 м³/га бўлган. Суғоришлар орасидаги муддат 18–25 кунни ташкил қилган. Ғўза ҳосилдорлиги 33,8 ц/га бўлиб, назорат вариантыга нисбатан қўшимча 3,1 ц/га пахта ҳосили олинган ҳамда 1287 м³/га сув иқтисод қилинган.

